

## АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил январь ойининг 14 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья: А.Хабибуллаев, ҳайъат судьялари Ш.Назиров ва М.Тулановдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Нишановнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилояти прокуратураси бўлим прокурори Ш.Муратов, ҳимоячи З.Ризаев ва судланган М.Сларнинг иштирокида, М.Сга оид жиноят ишини унинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2024 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра:

М.У.С, 1991 йил 23 сентябрда Пахтаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, ҳамшира бўлиб ишлайди, [REDACTED] муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида 8.250.000 сўм жарима жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.С 2024 йил 5 сентябрь куни соат 19.30 ларда Избоскан тумани, “Анорзор” МФЙ, Хуридиёр кўчасидаги уйда истиқомат қилиб келаётган овсини Б.Қўшақова билан ўзаро гап таллашиб, жанжал вақтида уни турли жойларига қўллари билан уриб, унга бош мия чайқалиши, пешона ўнг чакка, бурун, бўйин, ўнг ён соҳалари, чап елка юқори соҳалари юмшоқ тўқималари лат ейиши, юқори қовоқ соҳаси қонталлашидан иборат соғлиғини қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келган енгил шикаст етказганликда айбли деб топилган.

Судланган М.С апелляция шикоятида, оилада ягона боқувчи эканлиги, турмуш ўртоғи бетоблиги сабабли ҳеч қерда ишламаслиги ҳақида важлар келтириб, жаримани камайтиришни ёки бошқа енгилроқ жазога алмаштириб беришни сўраган.

Эътирозномада жабрланган Б.Қўшақова суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.



Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси М.Тулановнинг маърузасини, ҳимоячи З.Ризаев ва судланган М.Снинг шикоятни қаноатлантириш, прокурор Ш.Муратовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган М.Снинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлиб, шикоятда у айблилик масаласига эътироз билдирмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилонга бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланган М.Сга жазо тайинлашда, қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, унинг аёллиги, айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, вояга етмаган фарзандлари борлиги ва ҳомиладорлиги, жабрланувчининг даъвоси борлигини эътиборга олиб, унга қонунда назарда тутилган жарима жазосининг энг камини тайинлаб, тўғри хулосага келгани, жаримани янада камайтириш учун асослар мавжуд эмаслиги, жарима қонунда белгиланган жазо турларининг энг енгили эканлиги сабабли, шикоят важлари билан келишиб бўлмайди.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси судланган М.Сга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг  
497<sup>16</sup>, 497<sup>17</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси

а ж р и м қ и л д и:

М.У.Сга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2024 йил 17 декабрдаги ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

А.Хабибуллаев

Ҳайъат судьялари

Ш.Назиров

М.Туланов

